

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ БОШҚАРИШ ХАКИДА

*Жўраева Гулмира Зуфаржон кизи,
ФарДУ, чет тиллари факултети ўқитувчиси*

Аннотация: Ахборот хуружи ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган глобал маънавий-маданий инқирозларнинг асосий омилига айланди. Жамиятни, айниқса, ёшларни ахборот хуружидан ҳимоя қилиш ва унга қарши кескин чоралар кўриш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Калит сўзлар: Бўлажак ўқитувчи, ахборот хуружи, ахборот уруши, дидактик ҳодиса, ахборот хавфсизлиги, танқидий ва таҳлилий муносабат, интегратив функция.

Бугунги кунда бўлғуси мутахассислар, хусусан бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг глобал таълим мухитида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш муҳим педагогик муаммолардан ҳисобланади. Жаҳонда "Ахборот хуружи" ибораси биринчи марта 1976 йил Томас Роннинг "Boeing" компанияси учун мўлжалланган "Куроллар тузуми ва ахборот уруши" номли ҳисоботида қайд этилган¹. Ахборот хуружи ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган глобал маънавий-маданий инқирозларнинг асосига айланди ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиб, глобаллашув жараёнларини янада кескинлаштиримоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳалқаро ислом академиясида глобал Интернетдан олинаётган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш зарурияти талабларидан келиб чиқкан ҳолда 2020 йилда, кибер таҳдидларга қарши курашувчи — "Ахборот хавфсизлигини бошқариш" мутахассислиги очилди². Зеро, ахборот – дунё саҳнидаги тарихий рақобат кечадиган соҳага айланиб, "ахборот уруши" деб номланаётган фаол кураш шакли пайдо бўлмоқдаки, бу курашни фақат кишиларда ахборот маданиятини шакллантириш орқалигина енгиш мумкин.

Жаҳон амалиётида мазкур жараёнда ўқитишнинг замонавий технологиялари, хусусан "Web-квест"¹ технологияси асосида бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ижодий ҳамкорлик қўниқмаларини устоз-шогирд муносабатлари негизига қуриш, бунда интеллектуал вазиятларнинг мураккаб ижтимоий-маданий ҳамда дидактик ҳодиса сифатида ўқув фаоллиги ва натижадорлигига таъсиридан самарали фойдаланиш тенденциялари мавжуд. Илфор таълим муассасалари томонидан билиш фаолиятида ижодий ҳамкорлик ҳаётнинг универсал таркибий қисми эканлиги, унинг педагогик қиймати, эркинлиги ва ихтиёрийлиги эътироф этилиб, мазкур

¹ Clarke R.A. Cyber war. The next threat to national security and what to do about it. — New York, 2010

² Ҳалқаро ислом академияси бу йилдан кибер таҳдидларга қарши курашувчи мутахассисларни тайёрламоқчи. <https://qalampir.uz/news/khalk-aro-islom-akademiyasi-bu-yildan-kiber-ta%D2%B3didlarga-k-arshi-kurashuvchi-mutakhassislarini-tayyerlamok-chi-22368>

¹ Web-квест – Интернет ёки ички Интранет тармоқдаги электрон ресурс бўлиб, у ёки бошқа бирор ўқув вазифасини талабалар томонидан бажаришини тамиловчи технологиядир. Бу технологияни амалга ошириш профессор-ўқитувчиларидан катта масъулият ва меҳнат талаб қиласи. Аммо web-qvest технологияси биология фанларида кўллаш режали ва талаблар асосида тўғри ташкил қилинса, у ўзининг ижобий натижасини беради. Энг асосийси, талабада интернетдан тегишли ахборотни қидириб топиш, уни маълум жойга жамлаш, саралаш, таҳлил қилиш ва кўйилган масалага тўғри жавобни топиш кўниқмалари шаклланади. Karshboev, N.K. (2019) "USE OF WEB-KVEST TECHNOLOGY IN BIOLOGY LESSONS," Bulletin of Gulistan State University: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2019/iss2/12>

жараённи “бит-дарс” технологияси асосида ривожлантиришга қаратилган самарали педагогик мұхит амалий йўналғанлик имкониятлари ва сифат кафолатини ошириш воситаси ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг ривожланган давлатларида ва етакчи халқаро илмий тадқиқот марказларида таълим олувчиларда ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантириш, информацион таҳдидларга қарши курашишга доир кўплаб педагогик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, АҚШ, Франция ва Германия давлатларида таълим олувчиларда ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш, миллий ахборот хавфсизлиги таъминотини яратиш борасидаги изланишлар алоҳида аҳамият қасб этади. Айрим Европа давлатларида салбий мазмундаги сайтларни тақиқлаш қонун асосида белгилаб қўйилган. Масалан, Германияда бу масала суд қарори асосида амалга оширилади. Россияда турли ахборот хуружларига қарши курашиш мақсадида “Хавфсиз интернет маркази” ташкил этилган. Шунингдек, бу борада Европа Иттифоқи томонидан 6 та қонун ҳужжати қабул қилинган ҳамда “Хавфсиз интернет” дастури ишлаб чиқилган¹. Ахборот маконининг кенгайиши, маълумот алмашиш имконияти ва тезлигининг ошиши, интернет ва ижтимоий тармоқларнинг глобал ахборот таъсир майдонига айланиши давлатлар хавфсизлиги ва барқарорлиги таъминлашда мураккабликларни келтириб чиқармоқда ва бу муамоларни бартараф этиш дунё мамлакатлари олдидағи долзарб педагогик вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш назарияси ва амалиёти тенденциясини янада ривожлантиришда инновацион ва информацион-техник салоҳият элементларининг уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари ўртасида таълимнинг интегратив ташкилий функциясини янада кенгайтириш, таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, шахсий ва қасбий мұхим сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар мұхим ўрин тутади. Бу эса талабалар ўртасида соҳага доир билимларни эгаллаш жараённида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатни “Web-квест” технологиясига таянган ҳолда шакллантириш – бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг информацион хавфсизлик кўникмаларини ривожлантириш жараёнини педагогик диагностик усууллар билан текшириш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли методик тавсияларни ишлаб чиқиши ва таълим интеграциясининг дидактик имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишига йўналтирилган таълим-тарбия мазмунини фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида шакллантириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида педагоглар олдига ҳам “ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги хуруж ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда иштирок этиш”¹ вазифаси қўйилган. Шу боис, мамлакатимизда ахборий таҳдидларга қарши курашиш методикасини яратишда олий таълим тизимидан фойдаланиш, бўлажак мутахассисларда ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш масалалари мұхим аҳамият қасб этади. Ахборот хуружи аввало, ёшлар, хусусан таълим олувчилар қаратилар экан, бу хуружнинг салбий сиёсий қарашларни шакллантирувчи омилларини кескин равишида педагогик-психологик жиҳатдан бартараф этиш шарт. “Ахир, дунёда, ён-атрофимизда

¹ www.huquqburch.uz. Бадалов.М. Ёшлар онгига ҳаётбахш ғоялар // Huquq va burch jurnali. – Т., 2014. - №6.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида” Фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 21 август, 33-сон, 830-модда.

қандай кескин рақобат, ғоявий, мафкуравий қураш кетмоқда! Шундай мураккаб бир вазиятда ҳақиқий зиёлиниңг қўл қовуштириб, томошабин бўлиб ўтиришга ҳаққи борми?”². Президент Ш. Мирзиёевнинг юқоридаги фикрларидан кўринадики, бугунги таълим тизимимизда таълим олувчиларнинг ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш педагогларимиз олдидағи энг долзарб вазифалардан бири қилиб белгиланган. Шунинг учун ҳам “янги давр ўқитувчиларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш”³ долзарб вазифа сифатида белгилани Шу нуктаи назардан, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг Web-квест технологияси асосида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш холатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича информацион компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон. 2018, -Б. 6-7.
2. Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2020 йил 23 сентябрь. (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон «Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга қўтариш тўғрисида »ги Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 28 июль.
4. Zufarjonovna, J. G. (2022). USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 161-164.*
5. Azimbayevna, D. G., Qizi, G. J. Z., & Vohidovna, X. X. (2021). Peculiarities Of Translating Medical Terms. *Texas Journal of Medical Science*, 2, 6-9.
6. Zufarjonovna, J. G. (2022). BENEFITS OF USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 158-160.*
7. Жўраева, Г. З. (2022). БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 235-238.
8. Qizi, J. G. Z. (2021). The effect of innovative methods in teaching English as foreign language.
9. Жураева, Г. (2023). БЎЛҒУСИ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА АНИҚ ВА РЕАЛ МАҚСАДГА ЙўНАЛГАН АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Journal of Universal Science Research*, 1(5), 408-414.

² Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2020. –Б. 153

³ Юқоридаги асар. –Б. 143

10. Жураева, Г. (2023). АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ВА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КҮНИКМАЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛУВЧИ АХБОРОТ ИСТЕММОЛИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ. *IQRO*, 3(1), 102-104.
11. Абдилоев, Ш. О. (2023). ЎЗБЕК, РУС, ТОЖИК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИДАГИ ЗООНИМ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ. *IQRO JURNALI*, 3(1), 156-159.
12. Абдилоев, Ш. О. (2023). ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР—ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ ИНЬИКОСИ. *PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI*, 1(2), 157-159.
13. Абдилоев, Ш. О. (2023). АЙРИМ УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛИ ХАЛҚЛАРДА МАЪНО ИФОДАЛАНИШИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMUY JURNALI*, 3(5), 122-128.
14. Oxonjonovich, A. S. (2023). Peculiarities of Semantics of Phraseological Units with Zoonyms. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 17, 98-102.
15. Oxonjonovich, A. S. (2022). GERMAN PHRASEOLOGICAL UNITS WITH A ZOONYM COMPONENT. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMUY JURNALI*, 2(11), 239-244.
16. Умаржонова, Г. М., & Абдилоев, Ш. О. (2022). НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “HAND”-“ҚҮЛ” КОМПОНЕНТЛИ СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СТРУКТУР-ГРАММАТИК ТАҲЛИЛИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMUY JURNALI*, 2(10), 226-231.
17. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Symbol of the Paris of Inspiration. *International Journal of Formal Education*, 1(11), 17-20.
18. Oxojonovich, A. S. (2022). On the General Associative Aspects of Allegoric Symbols. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 424-428.
19. Sotvaldieva, H. M. (2021). Using proverbs as A lead-In activity in teaching english as A Foreign Language. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(11), 159-163.
20. Sotvaldieva, H. M. (2020). ENGLISH PROVERBS AS A MEANS OF EXPRESSING PEOPLE'S WISDOM, SPIRIT AND NATIONAL MENTALITY. *Theoretical & Applied Science*, (2), 601-604.
21. Porubay, I. F., & Sotvaldieva, H. M. (2022). ANALYSIS OF IT-RELATED LEXICON AND INTERNET COMMUNICATION. *Thematics Journal of English Language Teaching*, 6(1)..
22. Сотвалдиева, Х. М., & Машарипова, А. Т. (2022). ОБУЧЕНИЕ ЧЕРЕЗ ПОСЛОВИЦЫ. In *НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 135-136).
23. Musinovna, S. H., & Tadjibaevn, M. A. (2021). STRUCTURAL AND SEMANTIC CHARACTERISTICS OF PROVERBS. *Евразийский Союз Ученых*, (1-4 (82)), 22-25.